

## ИСЛОҲОТЛАР – ТИНЧ ВА ФАРОВОН ХАЁТИМИЗ УСТУНИ

**Карабаев Ойбек Равшанович**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси катта ўқитувчиси,

подполковник. Телефон: 99-854-37-03

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574935>

**Аннотация.** Мақолада юртимизда ички ишлар идораларига тааллуқли бўлган ислохотлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, ахборот-таҳлил статистик маълумотлари, таҳликали бўлган ҳозирги замонда ислохотларнинг зарурияти, замонавий илм-фан ютуқларининг жорий қилиниши, рақамли технологиялар, суд-тергов фаолиятидаги ислохотлар, илмий ёндашилган таҳлиллар орқали бошқарувни самарали амалга ошириш жиҳатлари ўз аксини топган.

**Таянч тушунчалар:** ички ишлар органлари, ислохотлар, халқ манфаатлари, таҳлил, очиқлик, бошқарув, самара, янги тизим.

*Жамият ва давлат бошқаруви айрим раҳбарларнинг қош-қовоғига қараб эмас, балки қонуний институтлар орқали амалга оширилиши керак.*

*Ш.М.Мирзиёев.*

Барчамизга маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифалари бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикадан иборатдир.<sup>1</sup>

Замонавий дунёда содир бўлаётган ҳолатларни кузатар эканмиз, арзимас бир сабаб вазидан миллат билан миллат, давлат билан давлат тортишиб, жанжал ортидан бир-бирларига ўқ отиш ва бошқа жанговар қуролларни қўллаган ҳолда инсонларнинг ҳаётига зомин бўлинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Президентимиз айтганларидек, “ҳозир таҳликали замонда яшаяпмиз”.<sup>2</sup> Россия-Украина-Европа, Хитой-Тайвань-АҚШ, Арманистон-Озарбайжон, Исроил-Фаластин, Сурия, Тожикистон-Қирғизистон можаролари, шунингдек, Қозоғистондаги воқеалар, июль ойида рўй берган Қорақалпоғистондаги тартибсизликлар замон қай даражада нотинч эканлигини билдириб, тинчлик учун бефарқ бўлмаган барчамизни хушёрликка ундайди.

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга кўра Ўзбекистон “бахтиёрлик рейтинги”да 146 мамлакат ичида 53-ўринни эгаллаб, Ўрта Осиё давлатлари бўлган Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонни ортда қолдирган. Рейтингни тузишда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми, умр кўриш давомийлиги, коррупция ва эркинлик

<sup>1</sup> 2016 йил, 16 сентябрьда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги №407-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2-моддаси. Lex.UZ://. 2022 йил, 26 октябрь.

<sup>2</sup> <http://kun.uz/23361886> манбаси. 2022 йил, 18 июль.

ҳақидаги тасаввурлар, саховатпешалик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражаси ҳисобга олинган.<sup>3</sup>

Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, мустақил бўлганига бор-йўғи 31 йил бўлган давлатимизда инсон манфаатлари учун талайгина ишлар амалга оширилган. 2022 йил Президентимиз томонидан “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилингани, мамлакатимиз фуқароларининг эркин ва муносиб ҳаёт кечиришлари йўлидаги ислохотларнинг давомийлиги ва узлуксизлигидан далолат беради.

Эришилаётган ютуқларимиз, сўнгги йилларда ҳуқуқ-тартибот соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, миллий ва илғор ҳалқаро тажрибани чуқур ўрганган ҳолда ҳаётимизга татбиқ этилиши, давлатимизнинг юқоридаги ижобий кўрсаткичларга эришилишида ҳуқуқий заминнинг мустаҳкам пойдевори яратилаётгани туфайли содир бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари соҳасига тааллуқли кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман олганда, барча қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари биргина мақсад – инсонлар қадрини учун қабул қилинмоқда ва қабул қилинаётган мазкур қонунчилик ҳужжатлари ички ишлар органлари ходимларига бевосита тааллуқлидир десак адашмаган бўламиз.

Президентимиз таърифлаганидек, “агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айтиш ҳақиқат бўлади”.<sup>4</sup>

2017 йилнинг 10 апрель куни “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5005-сонли Фармон қабул қилиниб, тизимдаги чуқур илдиз отган бир қатор камчиликлар ҳамда мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича “дастлабки” чора-тадбирлар белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан ходимлар ва фахрийларга йўллаган табригида, “аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилаётгани, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати янада оптималлаштирилиб, унинг тузилмалари негизида Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, Жазони ижро этиш, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилгани тизимнинг энг қуйи бўғинидан республика

<sup>3</sup> @Tezkor\_xabarlar\_24\_online интернет канали. 2022 йил, 30 август.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси, П.Р. Бобожонов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант. 2021 йил, октябрь, Махсус сон, 7-бет.

даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш имконини бераётганига алоҳида урғу берилган.<sup>5</sup>

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳуқуқ-тартиботни таъминланишида замонавий илм-фан ютуқларининг жорий қилиниши, пост-патрул хизмати ва йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминловчи ходимлар, профилактика инспекторларининг боди камералар ҳамда планшетлар билан таъминланиши тизимнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаб, маъмурий ва жиноий ишларни ҳолисона кўриб чиқиш, ички ишлар органлари ходимлари томонидан тўпланган ҳужжатлар бўйича судлар томонидан объектив қарорлар қабул қилинишига асос сифатида фойдаланилмоқда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончнинг ошишига омил бўлмоқда. Рақамли технологияларга таяниб, 2021 йилдан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича барча ариза ва хабарларни автоматлаштирилган тарзда қайд этувчи “102” тизими жорий қилинган. Вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани, кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятини яратди.<sup>6</sup> Мазкур йўналишдаги ислохотларнинг амалга оширилиши, 2017 йил 8 сентябрь кундаги Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5185-сонли Президент Фармонида ўз аксини топган бўлиб, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида “Электрон ҳуқумат” тизими ва замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни янада кенг жорий этилиши белгиланган эди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларини таъминланишида ҳам тегишли ислохотлар амалга оширилди.

Масалан, 2020 йилнинг 10 августидаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 2-бандида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддати у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланиши аниқ белгилаб берилди.

Фармоннинг 4-бандида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томониан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш, шахсни

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. 2021 йил, 25 октябрь, Махсус сон, 5-бет.

<sup>6</sup> <https://kun.uz/36721744>. Президент ички ишлар ходимларини табриклаб, улардан бир гуруҳини мукофотлади. 2022 йил, 26 октябрь.

жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунга қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш (*Миранда қондаси*), ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиниши тақиқланди. Ушбу қоидаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш ваколатига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишида муҳим ўрин эгаллади. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони асосида “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” бўйича режаланган йўл харитасининг 2-боб, 17-мақсадида, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш” кўрсатилган.

Ислоҳотлар инсон қадрини учун амалга оширилаётган бугунги кунда, барча давлат органлари ва ташкилотларида президент ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш [jro.gov.uz](http://jro.gov.uz) тизимида амалга оширилмоқда.

Адлия вазирлиги Президент ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси томонидан берилган маълумотга кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида 313 та ҳужжат (*шундан 36 таси қонун, 46 таси фармон, 172 таси қарор, 9 таси фармойиш ва 50 таси баён*)даги 16 599 та топшириқ [jro.gov.uz](http://jro.gov.uz) тизимида рўйхатга олиниб, ижрога қаратилган.<sup>7</sup>

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда Президентимиз таъкидлаганидек, “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” тамойилига асосланиб, 2022 йилнинг 6 ойи давомида республикада жами 1429 та жиноят иши бўйича 1785 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 13 нафари республика, 195 нафари вилоят ва 1577 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият [юритган](#).

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 1210 нафари ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 158 нафари мансаб мавқеини суъистеъмол қилиш, 129 нафари фирибгарлик, 74 нафари порахўрлик, 22

<sup>7</sup> <https://kun.uz/01493440>. Президент топшириқларини бажармагани учун жазоланган давлат хизматчилари сони айтилди. 2022 йил, 27 октябрь.

нафари мансаб сохтакорлиги, 15 нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 7 нафари мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш ва 170 нафари бошқа жиноятларни содир этган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 668,2 млрд сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 599,1 млрд сўми ундирилган.<sup>8</sup>

Тараққиётимизнинг асосий кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашда очиқлик тамойилининг аҳамияти чексиз. Шунга кўра “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” Президент Фармони қабул қилинди. Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йил якуни бўйича Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик индекси шакллантиради. Индекс “eanticor.uz” электрон платформасида очиқ эълон қилиб борилади ва давлат органлари ҳамда ташкилотларининг очиқлик индекси шакллантирилиб, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик даражаси “0” баллдан “100” баллгача рейтингда баҳоланиб, “яшил”, “сарик” ва “қизил” даражаларга ажратилади.<sup>9</sup>

Жорий йилнинг 11 февраль куни Президент ҳузурида ўтказилган селектор йиғилишида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатлар танқидий таҳлил қилиниб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарурий ўзгартиришлар, янги нормалар ва қоидалар киритилиши вазифа қилиб белгиланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи асосий субъект сифатида Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан янги қоидалар киритилиши юзасидан бир қатор таклифлар берилди. Шунга кўра, 2022 йилнинг 13 апрель куни “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги №172-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори кучга кирди.<sup>10</sup>

Ўзгаришларга келадиган бўлсак, масалан, бир йил давомида йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан тузилган маъмурий чоралар ҳисоби юритилиб, 12 балл олиб салбий “натижага эришган” ҳайдовчиларни ҳайдовчилик гувоҳномасини бекор қилиш бўйича тизим йўлга қўйилди.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ислохотлар натижасида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари камайган бўлишига қарамай, одам ўлимига олиб келган ҳодисалар ҳозиргача мавжудлиги ҳаммамизни хавотирга солади. Ижтимоий тармоқларда тарқалган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2022 йилнинг 8 ойида пиёдалар иштирокида 2536 та йўл транспорт ҳодисалари содир бўлган. Унда 516 нафар нафар пиёдалар вафот этган, 2084 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳатлари олган.<sup>11</sup>

2013 йилнинг 11 апрель куни кучга кирган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги №348-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонуни 31-моддаси гипотезасида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик”, диспозициясида

<sup>8</sup> <https://kun.uz/23361885>. 6 ойда 1785 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. 2022 йил, 28 октябрь.

<sup>9</sup> <https://kun.uz/53083746>. Ўзбекистонда очиқлик индекси йўлга қўйилади. 2022 йил, 28 октябрь.

<sup>10</sup> Lex.UZ://. 2022 йил, 28 октябрь.

<sup>11</sup> t/me/Jahon\_Xabarlar360 интернет канали, 2022 йил, 3 октябрь.

эса “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деб белгиланган.<sup>12</sup>

Таҳлилларга кўра, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчи, ўрнатилган қоидаларни менсимайдиган, тезликни оширадиган ва йўл патруль ходимлари билан “талашадиган” шахслар асосан чет элда ишлаб чиқарилган ва нархи қиммат бўлган автоуловлар эгаларидир. Шунга кўра Швейцария тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга қўйиладиган жарималар миқдори, уларнинг топаётган даромадига қараб белгиланади. Масалан, Швейцариялик миллиардер йўлларда ўз автомобиль тезлигини 290 км/соатга чиқаргани учун 650 000 евро миқдорида жаримага тортилган. Айнан шундай йўл ҳаракати қоидасини бузган ўртаҳол швейцариялик эса “бор-йўғи” 1000 евро жарима тўлаган.<sup>13</sup>

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган тақдирда, йўлларда содир бўлаётган нохуш ҳодисаларнинг олди олинишига хизмат қилган бўлиш билан бир қаторда, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиниши, фуқароларнинг қонунлар устиворлигини тан олиши ҳамда фуқароларнинг давлат томонидан амалга ошираётган ислохотларга ишончини ошириб, Президентимиз таъбири билан айтганда, уларни рози бўлиб яшашлари учун замин яратилган бўлар эди десак муболаға бўлмайди.

---

<sup>12</sup> Lex.UZ://. 2022 йил, 28 октябрь.

<sup>13</sup> “AVTO YURIST” интернет канали. №0759109-сонли гувоҳнома. 2022 йилнинг 3 январь кундаги маълумоти.

## References:

1. 2016 йил, 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги №407-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2-моддаси. Lex.UZ://. 2022 йил, 26 октябрь.
2. <http://kun/uz/23361886> манбаси. 2022 йил, 18 июль.
3. @Tezkor\_xabarlar\_24\_online интернет канали. 2022 йил, 30 август.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ахборотномаси, П.Р. Бобожонов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант. 2021 йил, октябрь, Махсус сон, 7-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. 2021 йил, 25 октябрь, Махсус сон, 5-бет.
6. <https://kun.uz/36721744>. Президент ички ишлар ходимларини табриклаб, улардан бир гуруҳини мукофотлади. 2022 йил, 26 октябрь.
7. <https://kun.uz/01493440>. Президент топшириқларини бажармагани учун жазоланган давлат хизматчилари сони айтилди. 2022 йил, 27 октябрь.
8. <https://kun.uz/23361885>. 6 ойда 1785 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. 2022 йил, 28 октябрь.
9. <https://kun.uz/53083746>. Ўзбекистонда очиқлик индекси йўлга қўйилади. 2022 йил, 28 октябрь.
10. Lex.UZ://. 2022 йил, 28 октябрь.
11. t/me/Jahon\_Xabarlari360 интернет канали, 2022 йил, 3 октябрь.
12. Lex.UZ://. 2022 йил, 28 октябрь.
13. “AVTO YURIST” интернет канали. №0759109-сонли гувоҳнома. 2022 йилнинг 3 январ куни маълумоти.